

Карикатуралар ҳақида

21:17 / 22.04.2016 2746

Ассалому алайкум мухтарам шайх ҳазратлари.

Карикатуралар ҳақидаги ноҳуш ҳодисага маданий йўл билан жавоб берганигиздан ва сайтингизда Оламларга “РАҲМАТ ПАЙҒАМБАР” рукнини очганигиздан жуда ҳам миннатдоримиз. Бу рукн пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи вассаломни янада яқинроқ танишимизга хизмат қилади деб умид қиламан.

Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи вассаломга қилинган карикатуралар агар юртимиз оммавий ахборат воситаларида ёки юртимизга тегишли интернет сайтларда қўйилса биз қандай йўл тутмоғимиз керак. (Яқинда бир ўзбекча исломий сайтда шу карикатуралар қўйилганининг гувоҳи бўлган эдим, аммо биродарлар этироз билдиргани учунми бу карикатураларни олиб ташлабди.)

ЖАВОБ:

Севиқли Пайғамбаримиз алайҳиссаломни масхаралаб чизилган расмлар нобакорлик, худо безорилик ва пасткашлик эканига нафақат мусулмонлар, балки номусулмонлар ҳам иттифоқ қилишди. Хатто хабар тарзда берилаётган кўрсатувларда ҳам фақат битта сувратни кўрсатиб қолганларини беркитиб турилди.

Одамларни огоҳлантириш мақсадида деган гап ила мазкур расмларни нашр қилмоқчи бўлган ахборот воситаларини Ислом оламида қайтарилди. Мисрда бир газетанинг барча нусхалари мусодара қилинди.

Бу масала яқинда Кувайтда бўлиб ўтган илмий анжуманда ва «Икраъ» телеканалда уламолар томонидан муҳокама қилинди ва ўша расмларни кўчириб нашр қилганлар уларни чизганларга шерик деган хулосага келинди. Айниқса, деди уламолар, бу шармсиз расмларни ёш болалар кўрсалар уларнинг онгида бу расмлар Пайғамбаримиз сиймоларига боғланиб қолишига сабаб бўлади.

Агар сиз айтганда бизда ҳам ким бу ишни қилган бўлса, ўз ишини нима деб аташидан қатъий назар, пайғамбаримиз алайҳиссаломга қарши катта беҳурматлик қилган бўлади. Бу иш қадимдан Муҳаммад Мустафо алайҳиссаломга ўзининг чексиз муҳаббати билан машҳур бўлган халқимиз тарихида қора доғ бўлади. Бу ишни қилганлар У зотнинг масхара қилганларга шерик бўлади.

Мазкур Муҳаммад Мустафо алайҳиссаломни масхара қилувчи расмларни сайтдан олдириб ташлашга сабаб бўлганлар пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг ҳақиқий мухлис умматларидан бўлади.

2006